
Туманимиз “яшил” ҳудуд ҳисоблансада профилактик тадбирлар давом этади

Кеча, 17 июнь куни Ўзбекистон тумани марказий кўчалари, Деҳқон бозори ҳудудида Санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари талабларига мувофиқ дезинфекция ишлари амалга оширилди.

Туман ҳокимлиги, Фавқулодда вазиятлар бўлими ҳамда Санитария-эпидемиология осойишталик маркази ҳамкорлигида, 4 тонна хлорид натрий аралашмасидан иборат зарарсизлантирувчи воситаси Конизар, Кулибек маҳаллалари, Яйпан шаҳар Бозор Яйпан, Туркистон, Беруний ва Пасткиқўриқ маҳаллалари марказий кўчаларига махсус техника ёрдамида сепилди.

Мақсад тумандаги жамоат жойлари, бозорларда дезинфекция ишларини олиб бориш, фуқароларимиз хавфсизлиги, саломатлигини таъминлашдир.

2020-06-18 19:31:29